

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Тошкент ш.

2022 йил 28 январь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 30.12.2021 даги 27-01-14/6019-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг ТШТТ филиали директори Рустамов Ф.Ш. (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва УП Ўзйўлкукаламзорлаштириш давлат муассасаси номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи “Ўзбектелеком” УК (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда – Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича кўйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чикқанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;
- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши. Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиккан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал килиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига катъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийdir. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҚСни хисобга олган ҳолда) 5 010 000
(Бешинчи ишчи 5-чи) сўмни ташкил этади. Ушбу сумма 16 70 000 (Бир минчон очиб ётсанчи) миқдоридаги бир сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда _____ (_____) миқдоридаги бир марталик тўловини ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичida ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамига пул маблағларини ўtkазиш йўли билан Оператор томонидан кўrсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамида хизматлар кўrсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўrсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўrсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вактинча тўхтатиши, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равиша блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Оферта коидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтариlmайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўrсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (үн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўrсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи конун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўrмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал килинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироznома/шикоjт/таклиf кўринишидаги мурожаати кўпли билан 30 (үттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда

мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча мухим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 марта қадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал килиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажариши давом эттира ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон килмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлған Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулқдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн)** календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган хамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

ОПЕРАТОР:	АБОНЕНТ:
“Ўзбектелеком” АҚ ТШТТ филиали	УП Ўзйўлкукаламзорлаштириш
Манзил:	Манзил: <i>Тошкент ш., Шарқ соғирик манз. № 68-Уб.</i> <i>Мустақимлик муршидати, 68-Уб.</i>
Банк маълумотлари: х/р: 20210000704074838066 СТИР 203366731 МФО 00401 АТБ “Алокабанк” Тел: 712321515; E-mail: info@upr.tshtt.uz	Банк маълумотлари: х/р: <i>304510860262697045198118001</i> СТИР: <i>305127304</i> МФО: <i>00895</i> ; Банк номи: <i>Миллӣ банк, Ўл.Чувағ.</i> Тел: +998 99-810-01-01 ; E-mail: <i>info@upr.tshtt.uz</i>
Оператор номидан: Рустамов Ф.Ш. /имзо/ м.ў.	Абонент номидан: /имзо/ М.Н. <i>А.С. Шуаулов</i>

2022 йил 28 январь

19_848/3140 –сонли абонент шартномасига

1-ицова

Кўрасатиладиган хизматлар

Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги – Миллий валюта (сўм)

t/r	Хизматлар номи	KKC билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ККС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.3	Хар бир уланиш нуткаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)	-	-	-	-
II. Хар ойлик абонент тўловлари					
	“Teznet Business – 4” тариф режаси бўйича 20 Мб/с тезлигига UZ-IX va TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармогига кириш ва 20 Мб/с тезлигига Интернет тармогига уланиш	-	-	-	-
2.1	Интернет абонент тўлови	1 650 000,00	Нархнома	1	1 650 000,00
2.2	Статик IP манзил абонент тўлови	20 000,00	Нархнома	1	20 000,00
	Жами (олдиндан тўлов)				1 670 000,00

Жами олдиндан тўлов микдори: 1 670 000,00 (бир миллион олти юз етмиш минг) сўм, шу жумладан, ККС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори 5 010 000 (Беш миллион ўн чиңз) сўмни ташкил этади. Ундан 1 670 000,00 (бир миллион олти юз етмиш минг) сўм микдорида ойлик абонент тўлови.

Шартнома бўйича тўлов суммасидан ошган холларда ортикча сарфланган (лимит) трафик учун тўловлар хисоб-фактурага асосан амалга оширилади.

ОПЕРАТОР:
“Ўзбектелеком” АҚ
ТШТТ филиали

Оператор номидан:

Директор Рустамов Ф.Ш.



АБОНЕНТ:
УП Ўзбекистон каламзорлаштириш

Абонент номидан:

